

Покистонда «ТikТок» иловасидан фойдаланиш тақиқланади



14:51 / 30.06.2021 1908

Покистон расмийлари «ТikТок»ни Исломга ҳурматсизлиги ва ЛГБТни тарғиб қилгани учун Синд олий суди ушбу иловани тақиқлаб қўйди.

The News газетаси хабарига кўра, бу сўнгги икки йил ичидаги учинчи тақиқ бўлиб, амалдаги жазо муддати 8 июлга қадар амал қилади. Ушбу ҳафтада Синд олий судининг навбатдаги мажлиси режалаштирилган бўлиб, унда Покистон телекоммуникация бошқармаси (УТП) ва «ТikТок» фойдаланувчилари айбланувчи сифатида қатнашадилар.

Шу муносабат билан, бир гуруҳ покистонлик адвокатлар мамлакат олий судидан илова ишлатилганлиги сабабли жиноятчилик ва гиёҳванд моддалар кўпайганлигини маълум қилишган ва «ТikТок» дастурига тақиқ

қўйишни илтимос қилишди.

Шунингдек, «TikTok» иловаси таълим муассасаларининг маданиятига зарар бераётгани ва баъзи фойдаланувчилар ўз жонига қасд қилганлиги ҳақида Лаҳор аҳолисининг баёнотлари қўллаб-қувватланди.

Покистонда «TikTok» иловасининг сўнгги тўлиқ тақиқланиши шу йилнинг апрелида бекор қилинган эди.

Хуршид Маъруф тайёрлади